GJ35351063

# Ш А Р Т Н О М А № 1

**2022 йил 14 январь** **Наманган шаҳар**

Биз, кейинчалик шартномада «Етказиб берувчи» деб юритилувчи “MA’MUR-95” хусусий корхонаси номидан ҳаракат қилаётган **М.Юсупов** - бир тарафдан ва кейинчалик шартномада «Сотиб олувчи» деб юритилувчи **Davlatobod tuman Maktabgacha ta`lim bo’limi** номидан ҳаракат қилаётган бўлим раҳбари **А.Халматов** - иккинчи тарафдан, мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартнома бўйича «Сотиб олувчи»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги озиқ-овқат махсулотлари (кейинги ўринларда “Товар” деб юритилади)ни етказиб беради. «Сотиб олувчи» эса олинган товарлар учун ушбу шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда тўловни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

1.2. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги тури, миқдори ва нархи қуйидагича белгиланган.

| Т/р | Маҳсулот (товар) номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Бир бирлик нархи (сўмда) | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Нон | Дона | 650 | 1750 | 1 137 500 |
| 2 | Булочка | дона | 794 | 1000 | 794 000 |
| | Жами | Бир миллион тўққиз юз ўттиз бир минг беш юз | | | 1 931 500 |

## II. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **1 931 500 (Бир миллион тўққиз юз ўттиз бир минг беш юз** ) сўмни ташкил этади.

2.2. «Сотиб олувчи» олинадиган товарлар учун амалдаги конунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 (ўттиз) фоиз аванс тўловини олдиндан «Етказиб берувчи» ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. «Етказиб берувчи» тегишли даврда тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 30 (ўттиз) кун муддат ичида товарларни «Сотиб олувчи»га етказиб беради.

2.4. «Сотив олувчи» тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 (тўқсон) кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан накд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб килинади.

1800

## III. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Етказиб берувчи»нинг ҳуқук ва мажбуриятлари:

етказиб берилган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил хисоб қилинишини “Сотиб олувчи”дан талаб қилиш;

товарларни мазкур шартномага асосан “Сотиб олувчи” буюртмаомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда етказиб бериш.

3.2. “Сотиб олувчи”нинг ҳуқук ва мажбуриятлари:

“Етказиб берувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

“Етказиб берувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат ва ассортиментдаги маҳсулотларни етказиб берилишини талаб қилиш;

шартномада белгиланган тартибда ва муддатлар етказиб бериладиган товарлар учун тўловларни амалга ошириш.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар тарафлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир тарафлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йул қўйилмайди, қонун хужжатларда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Махсулот етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган маҳсулот қийматини 50 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган маҳсулот учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун тхлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган тарафни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва маҳсулот етказиб бериш муддати кечиктирилиши ва тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарар қопланишидан озод этмайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Тарафлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга хақлидир.

6.3. Форс-мажор ҳолати яъни, тарафларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (ёнғин, сув тошқини шу каби енгиб бўлмайдиган кучлар таъсирида) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ҳудудий ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олингандан сўнг кучга киради ва 2022 йил “31” декабрга қадар амал килади.

7.2. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган такдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бошқа тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, тарафлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## IX. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

**“ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»**

**“MA’MUR-95”**
**хусусий корхонаси**
Наманган вилояти, Наманган шахар,
Р.Хамраев куча 9-уй,
Х/р 2020 8000 0005 4391 2001
Банк номи: «Халқ банки»Наманган бўлими
МФО 00711, ИНН 201 464 073

Раҳбар _______________ М.Юсупов

**“СОТИБ ОЛУВЧИ”**

**Davlatobod tuman**
**Maktabgacha ta`lim bo’limi**
Наманган вилояти, Давлатобод тумани,
5а-кичик туман, Янги тонг МФЙ.
Марказий банк Тошкент шаҳар
бош бошкармаси
ш/х 400522860144017091100251068
ш/х 100022860144017091100251095
Бюджетдан маблағ олувчи:
ИНН 207330473, ОКОНХ 92400
Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна х/в 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент шаҳар
бош бошкармаси
ХККМ МФО 00014 ИНН 201122919

Раҳбар _______________ А.Халматов

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: ST7800673737

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ GJ35351063

1. Loyihaning turi: **Shartnoma.**

2. Loyihaning nomi: Davlatobod tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va "MA'MUR-95" xususiy korxonasi o'rtasida mahsulot etkazib berish to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Davlatobod tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 14-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

**Huquqiy xulosa:** Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Markaz boshlig'i** **B.Xasanov**

2022-yil 17-yanvar

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR) 201464073

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli | Xususiy korxona | |
| Joylashgan joyi | Namangan viloyati, Namangan shahri R XAMRAYEV KO'CHASI 9 UY | |
| Guvohnoma | Namangan viloyati, Namangan shahri DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI | tomonidan berilgan |

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

MA'MUR-95
NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN SHAHAR XUSUSIY KORXONASI * O'ZB. RES.

02350

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan "Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestri"ga

"MA'MUR 95" Xususiy korxona

Yuridik shaxsning ... tadbirkorlik subyektining ... [illegible]

"MA'MUR 95" XK

[illegible]

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.05.2003 2350 ro'yxat raqami yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi

[illegible]

**НАЦИОНАЛЬНАЯ СИСТЕМА СЕРТИФИКАЦИИ**
**РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**Орган по сертификации «Uz-TEST» ДУК қошидаги «Озиқ-овқат ва парфюмерия-косметика махсулотларини сертификатлаштириш органи, UZ.AMT.06.MAI.378**
**Адрес: Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77 уй., Тел.: +998 (71) 248-04-66**
(наименование органа по сертификации, адрес, № в Государственном реестре)

№ 2458692

# СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ

Зарегистрирован в Государственном реестре
От **29 августа 2020 г.**
№ **UZ.SMT.01.378.50856395**
Действителен до **29 августа 2023 г.**
Код ТН ВЭД **1905100000**
(справочно)

**"MAMUR-95" ХК, УЗБЕКИСТАН**
(наименование предприятия, страна-изготовитель)

Настоящий сертификат удостоверяет, что идентифицированная должным образом продукция

**1.Биринчи навли буғдой унидан тайёрланган 0.60kg донали булочка; 2. Биринчи навли буғдой унидан тайёрланган 0.100kg донали булочка**

(наименование, тип, марка)

**Янги махсулот ишлаб чиқариш**
(количество или серийное производство)

соответствует требованиям нормативной документации: **MTR.008-2017, ГОСТ 27842-88, O`z DSt 3415:2019**

Схема сертификации: **3 (Три)**
Заявитель (изготовитель, продавец): **"MAMUR-95" ХК**
(нужное подчеркнуть)

**Наманган шахар**

(фактический и юридический адрес)

Сертификат выдан на основании
**1. Документов «UzTest» ДУК қошидаги СОнинг мувофиқлик сертификатини бериш хақидаги 27/5478 сонли қарори.**

**2. Испытания образцов "UzTest"ДУК Наманган ф-ти (UZ.AMT.07.MAI.013)нинг 2020 йил 29 августдаги 500Х, 501Х сонли, Учқўргон туман СЭОМ (UZ.AMT.07.MAI.451) 2020 йил 26-августдаги 1017 сонли синов баённомаси**

3. Акт проверки производства **СО нинг 2020 йил 29-августдаги далолатномаси**

Инспекционный контроль осуществляет с периодичностью:
**"UzTest"ДУК нинг 2020 й 28-июлдаги 2020/2091-сонли келишувга асосан бир йилда 2 (икки) маротаба**

Особые отметки: **Мувофиқлик сертификати тўғри сақлаш ва транспортда ташиш шароитларига риоя қилинганда хақиқий хисобланади**

Знак соответствия проставляется: **Мувофиқлик белгиси махсулот ёрлиғига ва юк хатига қўйилади**

Руководитель органа по сертификации **З.М.Ходжаева**
Эксперт **Н.Н.Нажимитдинова**

508563